



ЎЗБЕКСТАН ЖАҲУКИЯТИ

ЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

1991 йил 7 сентябрь • шанба
№ 174 (10.170). Баҳоси 10 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИ ТУЗИШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда республиканинг ҳудудий ахлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон республикаси мудофаа ишлари вазирлиги тузилсин.

Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 6 сентябрь.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

НИЯТИМИЗГА ЭРИШДИК

ЖАНГЛАР, қирғинлар, ҳандақлару баррикада, отишмаларсиз Конституция асосида, биринчи галда Президент ҳамда халқ ноибларининг адолатли кураши ила Ўзбекистон Давлат бўлиб, Мустақиллиқни қўлга киритди. Бу мислсиз буюк воқеадирки, унча-мунча сўз билан ифода-лаб бўлмайди. Инсон ўзлигини танишдан қийин нарса йўқ, халқимизни бундай тушунчадан маҳрум этиб келдилар. Юқорида айтганим Қонуни ва Конституция асосида Мустақиллик қўлга киритилгани билан, агар тарихга назар ташлар эканмиз, 1865-67 йилларда Урта Осиёни чоризм қилич ва қон билан босиб олганидан кейин, яна 73 йил мутеъликда келганимиз, беҳисоб қурбонлар берганимиз, қонлар тўкилгани, зиёлилар қамоқхоналарда зиёдан маҳрум этилиб, чиритиб юборилгани ҳеч кимга сир эмас. Мустамлакачилик сиёсати, мутеълик жабру жафоларини халқимиз бениҳоя кўп кўрди.

Ўзбек ўзлигини танипти. Ҳали батамом таниди деёлмайман. Тўғри, иқтисодийимиз ғоятда ёмон; шу улут кунларда асрий орзумиз — мустақиллик, тил эркинлигини тушунмай «Сенинг бундақа гапларингдан кўра, менга бир кило гўшт керак», деб шақиллаган, оғзи тўла тилло тиш, олибсотар, калласида ҳеч вақо йўқ кимсалар ҳам учраб қолмоқда... Минг афсус! Аммо Ўзбек халқи зақоси бениҳоя, қудрату матонат тегсиз, тараққий топган етук халқдир.

Ватандошларим! Азиялар! Мустақиллик, озодлик курашига ўзликни бағишлайлик! Ватан мустақиллиги йўлида ҳар қанча машаққатлардан қочмайлик. Ҳали қанча курашлар олдинда! Авлод бизлардан, мустақиллик учун курашганлардан миннатдор бўлишга имоним комил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Асримизнинг охириларига келиб, бутун мамлакат, шу жумладан ҳар бир жумҳуриятда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Улар ичида деярли барча жумҳуриятлар учун муштарак ҳусусиятлар оз эмас. Ана шундай ҳусусиятлардан бири миллий уйғонишдир, ҳар бир халқнинг ўз қадр-қиммати устида кўпроқ қайғуришга ўтишидир, ҳар бир жумҳуриятнинг ўз мустақиллиги учун фидойи курашчанликни бошлаб юборишидир.

Ўзбекистон жумҳурияти бу йўналишларда дўсту биродарлари сафида, аксар ҳолларда пешқадам бўлиб, фахрланса арзигулик, ишларини амалга ошираётгани сир эмас.

Жумҳурият пойтахтининг марказий майдонларидан би-

ри бугундан эътиборан Мустақиллик майдони деб аталиши ва бу ҳодиса республика Президентининг махсус фармони билан мустақамланиши, шунчаки, оддий бир ҳодиса бўлмай, адолат тантанасининг ёрқин ифодаси, жуда кўп йиллардан бундан халқ дилида тутилиб юрган орзунинг амалга ошишидир. Моҳият эътибори билан жумҳуриятимиз ҳаётидаги улкан тарихий ҳодисалардан биридир.

Мустақиллик майдони наинки Тошкент, балки умуман жумҳуриятимизнинг улкан майдонларидан бири экан, бу манзил бугундан эътиборан алоҳида сиёсий ғояларнинг акс-садоси тарзидаги юришлар, зўрма-зўраки намойишлар эмас, балки, эл-юртимизнинг жамини

СССР халқ депутатлари Съездининг қарори СССР Президенти ва Иттифоқдош республикалар олий раҳбарларининг қўшма Баёнотидан ва СССР Олий Кенгаши навбатдан ташқари сессияси қарорларидан келиб чиқадиган чоралар ҳақида

1991 йил 19—21 август кунлари содир этилган давлат тўнтариши натижасида мустақил давлатлар ўртасида янги иттифоқ муносабатларини шакллантириш жараёни хавф остида қолди. Вужудга келган вазият мамлакат ичида ва ҳорижий давлатлар билан муносабатларда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фитнанинг барбод этилиши, демократик кучларнинг ғалабаси реакцияга, демократик ўзгаришлар жараёнига тўқнаш қилаётган ҳамма нарсага жиддий зарба берди. Шу тариқа тўб ўзгаришларни жадаллаштириш, мамлакатни янгилаш учун тарихий имконият вужудга келди.

СССР халқ депутатлари Съезди ҳокимият тузилмаларининг баттар барбод бўлишига йўл қўймаслик мақсадида республикаларнинг хоҳиш-иродасига ва халқларнинг манфаатларига асосланган давлат муносабатларининг янги тизимини шакллантириш учун ўтиш даврини эълон қилади.

СССР халқ депутатлари Съезди қарор қилади:

1. СССР Президенти ва Иттифоқдош республикалар Олий Раҳбарларининг қўшма Баёнотидан, СССР Олий Кенгашининг давлат тўнтариши муносабати билан мамлакатда вужудга келган вазият тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган тақлифлар асосан маъмуллансин.

2. Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги Шартномани тайёрлаш ва имзолаш тезлаштирилсин, ушбу Шартномада давлатларнинг ҳар бири ўзининг Иттифоқда иштирок этиш шаклини мустақил белгилаши мумкин.

Янги Иттифоқ давлатларнинг мустақиллиги ва ҳудудий ахлитлиги, инсон ва халқлар ҳуқуқларига, ижтимоий адолат ва демократияга риоя этиш қоидаларига асосланиши керак.

3. Иқтисодий, валюта-мол, илмий-техникавий ҳамкорлик, экология хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида, ягона қуролли кучларни, ядро қуроллига ва бошқа оммавий қирғин қурол аслахоналарига ягона раҳбарлиқни сақлаган ҳолда жамоа хавфсизлиги ва мудофаа қоидалари ҳақида республикаларaro битимлар (шартномалар) ишлаб чиқилсин ва тузилсин.

Республикаларaro иқтисодий комитет иқтисодий Иттифоқ тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш ва тузишга дарҳол киришсин, у очик тусда бўлиб, бу Шартномада иштирок этиш Иттифоқ Шартномасини имзолашни шарт қилиб қўймайди.

4. СССР Президенти, СССР Олий Кенгаши, СССР Давлат кенгаши демократик фуқаролар жамиятига тинч тартибли ўтишини кафолатлаб, ҳокимият ва бошқаруving ҳуқуқий давомийлигини таъминласинлар.

5. Ўтиш даврида СССР қабул қилган барча халқaro битимлар ва мажбуриятларга, шу жумладан қурол-яроғларни қисқартириш ва улар устидан назорат ўрнатиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқaro битимлар ва мажбуриятларга, ташқи иқтисодий мажбуриятларга оғишмай риоя этилиши керак.

Республикаларнинг уларни халқaro ҳуқуқ субъектлари

деб тан олиш ва уларнинг БМТга аъзолиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш муддаоси қўллаб-қувватлансин.

6. Барча давлат идоралари, муассасалари, ташкилотлари ва мансабдор шахслари ўтиш даврида СССР Конституциясида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида, СССР ва республикалар қонунларида эълон қилинган ва улар томонидан кафолатланадиган фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, матбуот, виждон эркинлиги, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқларини таъминласинлар.

7. Съезд республикалар қабул қилган суверенитет тўғрисидаги декларациялар ва мустақиллик ҳақидаги ҳужжатларни ҳурмат қилар экан, шунинг таъкидлаидики, янги Иттифоққа киришдан беш тортинга қарор қилган республикаларнинг мустақилликка эришиши ажралиш билан боғлиқ бутун масалалар мажмуини ҳал этиш учун СССР билан музокаралар олиб боришини, шунингдек ядро қуролли тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якуловчи ҳужжатига ва бошқа муҳим халқaro шартномалар ва битимларга, шу жумладан шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган шартномалар ва битимларга дарҳол қўшилишини талаб қилади.

СССР халқ депутатлари съезди.

Москва, Кремль.

1991 йил 5 сентябрь.

меҳнатсевар, ҳақиқий бахтишқолга муносиб халқимизнинг мустақиллигини, шоду ҳуррамлигини, меҳнат ғалабалари надиҳасини, орзу-умидларини, ўзлигини намоён этувчи майдон бўлиб қолади.

Майдонда келгусида Озодлик ҳайкалининг қад кўтарилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон диёрида яшаётган барча фуқароларнинг шу табарруқ заминга меҳрини уйғотиши ва янада кучайтириши, ватанпарварлик туйғуларини чиниктириши шубҳасиздир. Бу Озодлик ҳайкали пойида она диёримизнинг ўғлонлари ва қизлари шу тупроққа ўзларининг фидойи садоқатларини янада мустаҳкамлашга аҳд қилишларига ишончимиз комил.

Бу фармон айни вақтда ҳаётдаги қадриятларимизнинг тикланиши, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши ва келажак юмдиларининг амалга ошишига ишонч бағишлайди.

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон прокурорининг буйруғи билан адлия маслаҳатчиси Салоҳиддин Одилович Акрамов Оржоникидзе район прокурори этиб тайинланди.

С. О. Акрамов 1955 йилда туғилган, ўзбек, олий ҳуқуқий маълумотга эга. Прокуратура органларида 1980 йилдан ишлайди. Шаҳрисабз шаҳар прокуратурасида терговчи, тергов бўлими прокурори, прокурор, Чирчиқ шаҳар прокурори вазифаларида хизмат қилган.

Ўзбекистон прокурорининг буйруғи билан 1-класс юрист Сарвар Усмонович Алиев Чирчиқ шаҳар прокуратурасига тайинланди.

Олий ҳуқуқий маълумотли С. У. Алиев 1979 йилдан С. Раҳимов район прокуратура-

сида стажер, терговчи, катта терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлган прокурори, вилоят прокуратурасида тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари вазифаларида ишлаган.

1-класс юрист Омон Алимович Орифжонов Ўзбекистон прокурори буйруғи билан Калинин район прокурори этиб тайинланди.

О. А. Орифжонов 1944 йилда туғилган, олий ҳуқуқий маълумотга эга. Прокуратура органларида 1974 йилдан ишлайди. У стажер, терговчи, район прокурори ёрдамчиси, вилоят прокурорининг балогатга етмаганлар иши бўйича ёрдамчиси. Пискент район прокурори бўлиб хизмат қилган.

ТЕНГЛАР ИЧИДА ТЕНГ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ БЕШИНЧИ
СЪЕЗДИДА (2 сентябрь) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ,

депутат Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ нутқи

(МАРҒИЛОН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ)

Ҳурматли халқ депутатлари! Шу даргоҳда ўтирганларнинг муносабатига қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, СССР Президенти ва Иттифоқдош республикалар олий раҳбарларининг баёноти турлича кутиб олинди, дейиш мумкин. У кўпчилик учун қўйилмаган бўлди. Бироқ бу ҳужжатни ортиқча ҳис-туйғуларга берилмасдан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий шароитнинг жамики воқеликлари ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиб кўрсак, у ҳолда ҳозирги вазиятда унинг қабул қилинишига қарши бирон-бир фикр билдириш мумкин эмас.

Кўпчилик республикалар, жумладан Ўзбекистон ҳам ўз мустақилликларини расман эълон қилдилар. Бундан буён бизнинг кўп миллатли республикамиз этник жиҳатдан номланишда ҳар қандай «изм»лар ва сиёсий ўлчамлардан ҳоли бўлади. Кеча миллионлаб ўзбекистонликлар 1 сентябрни чинакам давлатчилик ва ҳуррият кунини сифатида нишонладилар. Бундай воқелик билан ҳисоблашмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотда ва Ўзбекистон Республикасининг биринчи, яъни унинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунида миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт ке-

чириши, шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқий ҳимояланиши таъминланиши узи-кесил айтиб қўйилди. Ҳеч ким бизни бошқа бирон-бир нарсасида айблаб, шубҳаланиб ўтирмасин, соф орзу-ниятларимизга шак келтирмай қўя қолсин.

Бироқ қонуний савол туғилади: ана шундай ҳолатда Иттифоқ нима бўлади, унинг тақдири қандай кечади, ҳозир гапирётганидек янги-ланган кўринишда сақланиб қоладими? Чамаси, 19 августга қадар тасаввуримизда бўлган янги-ланган Иттифоқ эмас, балки моҳият-эътиборига кўра иккита йирик вазифага эга бўлган мустақил давлатларнинг бутунлай янги Иттифоқ ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Республикалар ўртасида қарор топган чегараларнинг дахлсизлиги билан бир қаторда умумий чегараларимизни қўриқлаб туриш учун ягона мудофаа потенциални сақлаб қолиш шарт, бу биринчиси. Иккинчиси шуки, тегишли молия-кредит муносабатлари ва ҳоказоларга эга бўлган умумий иқтисодий кенгликни сақлаб қолиш зарурлигига, эҳтимол, ҳеч кимда шубҳа туғилмаётган бўлса керак. Фақат шундагина биз умумий танқислик ва пулнинг тинмай ўсиб бораётган қадрсизланиши қис-вудан чиқиб олишимиз мумкин.

Назаримда, ҳатто Россия ҳам ёлғиз бир ўзи қисқа муддат мобайнида ана шу

вазифаларни ҳал этиши жуда қийин ёки амалда умуман мумкин эмас, вақт эса кутиб турмайди. Биз фақат куч-гайратларимизни бирлаштирган ҳолдагина зарур мудофаа қудратимизни сақлаб қолишимиз, қарор топган чегараларни қон тўкиш йўли билан қайта кўриб чиқмаслигимиз ҳамда иқтисодий-етимизни у тушиб кетган жарликдан тортиб олишимиз мумкин.

Шу билан бирга аниқ-равшан қилиб айтиб ўтишим керакки, бундай Иттифоқда «кичиклар» ва «катталар» бўлмаслиги, Иттифоқнинг барча органлари «бир республика — битта овоз» қондасига асосан тузилиши, бошқарувнинг барча таркибларида амалда мустақил давлатларнинг вакиллари зарурий тарзда бўлишлари, янги яқнаҳокимлик вужудга келишининг ҳатто энг кичик имкониятларига ҳам йўл қўймаслик лозим.

Янги Иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекадиган республикалар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўз миллий-давлат тузилишига доир масалаларни мустақил ҳал этишлари, ўзлари зарур деб ҳисоблайдиган барча мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишлари керак.

Мана шу минбардан туриб мен фақат съезд қатнашчиларига эмас, балки ҳаммага очинч-ошқора айтмоқчиманки, мустақил Ўзбекистон Республикаси халқи ҳеч қан-

чон, ҳеч қандай ҳолатда, ҳар қандай Иттифоқда, у қимлар билан тузилганидан қатъий назар, иккинчи даражали ўринда туришга рози бўлмайди. Тенглар ичида тенглик — халқимизнинг қадимий орауси бўлиб, биз янги Иттифоқимиздан шунини ис-таймиз.

Ҳурматли съезд! Қиш яқинлашиб келмоқда, очарчилик бўлиши аниққа ўхшайди. Мамлакатимиз халқлари биздан сафсатабозликни эмас, балки амалий ҳаракатларни кутмоқда. Одамлар энг оддий тартиб, интизом ўрнатишни, таомилдагидек турмуш шароити яратиб беришни талаб этишмоқда. Уларнинг талаблари яна сўзамоллик гирдобидида чўкиб кетмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам мен Қозғистон Олий Кенгаши раисининг СССР Олий Кенгаши ҳамда халқ депутатлари съездининг бундан кейинги тақдири ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлайман. Биз келажакдаги ўзаро муносабатларимизнинг принципиал масалалари бўйича қисқа муддат ичида аниқлик киритиб олишимиз, унда мустақил республикаларнинг қонуний манфаатлари ва талаблари назарда тутилиши, халқ ҳужалиги ва умуман иқтисодий-етиминг ҳамон давом этаётган парокандалигини тўхтатиб қолиш учун таъсирчан ме-ханизми ишлаб чиқишимиз шарт. Ана шу маънода СССР Президенти ва иттифоқдош республикалар олий раҳбарларининг баёноти ишларимизни ўзаро муносабатларимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичда тезроқ йўлга қўйиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилишга яхши асос бўлади. Эндilikда ўтиш даври учун баёнотнинг учинчи моддасида кўзда тутилган органларни тезроқ тузишимиз ҳамда аниқ ишларга киришмоғимиз лозим. Мен сизларни, ўртоқ съезд қатнашчилари, ишимизда кўпроқ конструктив йўл тутишга чақираман. Бинобарин, съезд ишини уч ёки тўрт кун давом эттиришимиз ҳам шарт бўлмаса керак.

ЎЗАРО АЛОҚА

ПИСКЕНТ райони меҳнаткашлари қўшни жумҳуриятлар билан иқтисодий алоқани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунончи, апрель ойида район партия фаолларидан бир гуруҳи Қозғистон ССР Олмаота вилоятининг Норинқул ва Уйғур районларида бўлиб ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳақида шартнома имзолаб қайтгандилар. Ушбу келишувга мувофиқ яқинда Қозғистондан районга 200 тонна картошка олиб келиниб, арзон нархда аҳолига сотилди. Яқин вақтлар ичида яна минг бош йилқи, 5500 бош қорамол ва қўй олиб келиш мўлжалланмоқда. Қўшни жумҳурият аҳоли-сига эса мева ва сабзавот маҳсулотлари жўнатишмоқда.

(Ўз мухбиримиздан).

ПИРУ БАДАВЛАТ ОИЛА

Коммунистик районининг Чумчуқжар қишлоғи аҳоли-си Мирбобоевлар оиласини ҳурмат билан тилга олишадилар. Оила етакчилари Мир-аширмат ака ва Ҳожар аялар етти қиз ва тўрт ўғилни тарбиялаб вояга етказишган. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари ўз ҳаёт йўлларини топиб кетишган. Акбарали инженер. Ибодат, Омила, Муқаддас савдо ходими, Жамила, Хуриниса педагог, Миржамол, Миржалол, Муҳаббат доришунос, Раъно врач, Мирвали эса ишчи кас-бини эгаллаган.

Йиллар сайин Миращир-мат ака ва Ҳожар аяларнинг қучоқлари кенгайди. 35 невага, 3 чевара Мирбобоев-лар оиласини янада кенгай-тирди.

Яқин кунларда бу пиру бадавлат, серфайз хонадон соҳиблари — Миращирмат ака ва Ҳожар аяларнинг турмуш қурганларига 50 йил тўлади. Биз уларни ана шу қутлуғ айём билан қутлаб, фарзандлари, невага-чеваралари бахтига омон бўлишларини, уларнинг роҳа-тини кўриб, яна кўп йиллар соғ-саломат ҳаёт кечиришларини тилаб қоламиз.

З. ОРЗИБОЕВА.

МУҲАРРИРИЯТГА МАКТУБ

ЁПИҚ БЕКАТЛАР ҚУРИЛАДИМИ?

НАЗАРБЕК қишлоғини Тошкент билан 171, 182-йўналишдаги автобуслар боғлайди. Булар «Хасково» шўро хўжалигидан то охириг бекатгача қарийб 10 кило-метрлик масофани босиб ўтади.

Лекин ана шу оралиқдаги бекатларда йўловчилар учун ҳеч қандай қўлайликлар яратилмаган. Тўғриси, бекатларнинг ўзи йўқ. Шу кунларда хасковлик дала меҳнаткаш-лари шаҳарликлар дастурхо-

нига ширин-шакар мева-чева-ларни, поллиз ва қишлоқ хў-жалик маҳсулотларини етказиб берапти. Ҳеч бўлмаган-да, шуларнинг ҳурмати йўқ-ми? Нахотки, ёпиқ бекатлар-ни қуриш шунчалик қийин бўлса?

Фақат биз қийналяпмиз-

ми, десак, биздан бошқалар-га ҳам қийин экан. Тарнов қишлоғида (эски номи) Ўрта Осиё темир йўли бошқарма-сига қарашли касалхона жойлашган. Бу ерда жумҳу-риятимизнинг турли жойла-ридан келган беморлар да-воланишади. Буни қарангки,

шундай касалхона рўпараси-да ҳам на бекат, на бошпа-на бор.

Ҳозирги иссиқ кунлар ҳам ўтади-кетди. Эрта-индин ёғин-сочинли кунлар бош-ланса бу йўлдан қатновчи халқ нима қилади?

Биз бир гуруҳ Улуғ Ва-тан уруши қатнашчилари ва қариялар ана шу масалани ҳал этишда ёрдам сўраймиз.

И. СУЛТОНОВ,

Улуғ Ватан уруши но-гирони.

• Хўжалик раҳбари минбари

МЕҲНАТИМИЗ ЗОЕ КЕТМАЙДИ

БУ ЙИЛГИ ноқулай кел-ган об-ҳаво шароити пахта-корларимизни анча мушкул аҳволга солиб қўйди. Деҳ-қонларимиз бундай оғир си-новларни бир неча бор бош-ларидан ўтказишган. Кўп йиллик тажриба ва бардош қийинчиликларни енгилда ёрдам берди. Бемаврид ёқ-қан ёмғир, дўл, жала кўплаб экин майдонларини пайҳон қилиб кетганига қарамай деҳ-қонларимизнинг сермашақ-қат меҳнатлари ва ҳар бир пайкал, даланинг ҳолатига қараб чоралар кўрилиши ту-файлигина гектарларда етар-ли миқдорда кўчатлар сақ-лаб қолинди.

Жорий йилда 633 гектар майдонда пахта етиштиряп-миз. Ана шу майдондаги

ғўза парваришини кўнгилда-гидек ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солдик. Бунда оилавий пудратчилар-нинг меҳнати қўл келди. Чунки ерга хўжайинлик ҳис-си бор-да. Ғўзалар ўз вақти-да табиий ва минерал ўғит-лар билан озиклантирилди. Тўрт марта қондириб суғо-рилди, беш марта комплекс ишлов берилди. Қилган меҳ-натларимиз зое кетмади. Ғў-залар ҳосилга кирди. Ҳосил-нинг чўғини чамалаб кўрдик. Бу йил давлатга режадаги 1830 ўрнига 1900 тонна «оқ олтин» топиришга бел бо-лаганмиз. Мўлжалимиз гек-таридан 29,8 ўрнига 32 центнердан ҳосил кўтариш-ди. Лекин маррани эгаллаш осон кечмайди, албатта. Бу бевосита деҳқонларимиз-

нинг кайфиятига ҳам боғлиқ-дир. Агар деҳқоннинг уй-рўзгоридан, мол-ҳолидан кўнгли туқ бўлса, иш унуми ҳам юқори бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда улар-нинг моддий таъминотини яхшилаш ҳақида қайғуриши-миз керак. Шу мақсадда ва мавсумни юқори суръатлар-да ўтказиш учун барча зар-ур чора-тадбирлар кўрила-ётир. Мавсум давомида ва қиш пайтида тарқатиш учун 200 тонна картошка ва пивз ғамлаб қўйилган. Бундан ташқари етарли миқдорда сабзавот ва поллиз маҳсулот-лари колхозчиларга бериб борилмоқда. Бартер усули-дан аҳоли манфаатлари йў-лида фойдаланиб, гуруч олиб келяпмиз. Ҳар бир колхоз-чига 300—400 килограмм-

дан макка дони бердик. Чор-васи борларни ем-хашак би-лан таъминлашни ҳам йўлга қўйдик. Жумҳурият Прези-дентининг барча фармонла-рининг бажарилишига ало-ҳида эътибор бераёلمиз. Қишлоқ аҳлининг оз бўлса-да, оғирини енгил қилиш учун вақти-вақти билан мол сўйиб, гўшт билан таъмин-лаб келяпмиз. Бозордагидан анча арзон нархда сотилаяп-ти. Бу тадбирлар деҳқонлар-га енгиллик яратиши табиий.

Хўжалик фаоллари ва деҳқонлар билан маслаҳат-лашиб, мавсумда ҳақ тўлаш-да ўтган йилги тадбирни қўл-лашни лозим топдик. Кол-хозчиларнинг манфаатини кўзлаб қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун дастлабки теримда 30 ти-йиндан, иккинчисида 40 ти-йиндан, учинчисида 50 ти-йиндан 70 тийингача ҳақ тў-лашга қарор қилинди. Ме-ханизаторларга теримга қа-раб ҳар тоннасига 25 сўм-дан 40 сўмгача пул тўлана-ди. Бу ҳақда колхозчи-

ларга етказилди. Ҳосилнинг асосий қисмини техникалар ёрдамида йиғиб-териш ола-миз. Мавжуд 14 та пахта териш машинаси мавсумга тахт қилиб қўйилди. Лекин бу борада муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Техника —тех-никада, бузилиши мумкин. Уларга керакли бўлган эҳ-тиёт қисмларни эса баъзан тополмай сарсон бўласан, киши.

Эндиги вазифа ғўза барги-ни сунтий тўктириш ишла-рини ғўзанинг ҳолатига қа-раб маромида ўтказишдир.

Халқимизда ҳар ким эк-канини ўради, деган нақл бор. Бу йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган ҳо-силимизни нес-нобуд қил-масдан ўз вақтида ва сифат-ли қилиб йиғиштириб олиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Ўйлайманки, кўз-ланган мақсадга эришамиз.

Ҳолдор АҚРОМОВ,
Чиноз районидagi На-
войи номли жамоа хў-
жалиги раиси.

АДАБИЁТ САҲИФАСИ.

ЕЗУВЧИ Оқилжон Ҳусан ўзининг янги романини «Гўрўғли қиссаси» деб атади. Асарда Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши жараёнида эзгу ниятли кишилар билан худбин ва бадниятли кимсалар ўртасидаги кураш қаламга олинган. Қуйида Оқилжон Ҳусаннинг «Гўрўғли қиссаси» асаридан парча эълон қиламиз.

НУРМУРОД Отамуродов: «Муртоз Манноновнинг ҳаёти фожиадан иборат, деғани яна нималарни кўзда тутган экан?

...Унинг асли исми Муртазо эди. Ёшлигида маҳалладаги катта-кичик болалар билан ёнғоқ, ошпик ўйнаб ўсди. Аксарият ғирром ўйнагани учун тенгқурларининг кўзига шумшук кўриниб қолди. Болалар уни «Муртоз», ҳатто «Тоzi» деб атайдиган бўлдилар. У ўзини камситувчи лақабларга парво қилмасди, битта ошпик ёки ёнғоқ ютиб олиши эвазига юз марта «Тоzi» деб аталишга тайёр эди. Бора-бора уни уйда ҳам «Муртоз» деб чақирадиган бўлишди.

Муртоз тўққиз-ўн ёшларга кирганида онаси вафот қилди. Отаси бошқа хотинга уйланди. Шунга ҳам қўлоқсиз, қашқатаёқ бўлиб ўсаятган Муртоз назоратсиз қолди. Атторлик дўконидан ишлайдиган отанинг болани тергашга вақти йўқ эди. Ўғай онани Муртоз мутлақо менсимасди.

Уруш йиллари Муртоз мўйлаби сабаза урган йигитча эди. Ўзига ўхшаш бирикки ўспирин билан бозор атрофида кўп айланишарди: кимор ўйнашарди, бировларнинг еб турган нонини ёки қанд-қурсини юлиб қочишарди, кези келганда киссавурилик ҳам қилишарди... Урушдан кейин Муртоз бироз вақт заёмфурушлик қилиб, икки марта милицияга тушди. Милициядагилар қаттиқ танбех бериб қўйиб юборишди, «яна қўлга тушсанг қамаласан», дейишди. Шундан кейин у ит ва хўроз уриштириш «касблари» билан шуғулланди. Ит уриштиришда унча омади юришмадию кейинги «касб»да ном қозонди. Бунинг замирида унинг ўзи ўйлаб топган бир «кашфиёт» ётарди. «Кашфиёт»нинг туғилиши кутилмаганда юз берди...

Бир кун Муртознинг ҳам-товоқлари «чойхонада ош ейдиган бўлишди. Ош олди-дан шакароб тайёрлай бошладилар. Бу иш Муртозга топирилди. Ногоҳан у қалампир ушлаган чап қўлининг бармоқлари билан кўзини ишқалади. Шунда Муртознинг кўзи шунақаям ачишидики, чидаб ўтириши қийин бўлди. У қўлини ҳам, кўзини ҳам совунлаб ювишга мажбур бўлди. Шу аснода миёсига ялт этиб бир фикр келди: «Хўроз уриштиришда қалампирдан фойдаланиб бўлмасмикин?»

Ошдан кейин Муртоз улфатларидан ажралиб, бозорга тушди. Туйилган ачиқ қалампирдан бир кило сотиб олиб, уйига жўнади. Қалампирнинг ярмини кострюлкага солиб, сув қўшиб обдон қайнатди-да, туни билан совутиб қўйди. Эрталаб барвақт турди-да, қизил хўрознинг бошига даструмолини ўраб қўйиб, унинг ҳамма жойига қалампирнинг ачиқ сувини пуркаб чиқди. Аниқроғи, даканг хўрознинг бошидан бўлак ҳамма ёғини қалампирга чўмилтирди. Сўнгра уни қўлтиқлаганича «жанг майдонига» олиб жўнади. Муртоз, сир бермаслик учун, ҳовлиқмасдан майдонга кириб борди. Қизил даканг дастлаб Янгийўлдан келган мўйловдор хўрозбознинг йирик қора хўрози билан уриштириладиган бўлди. Ўртага озроқ — атиги қирқ

сўм тикилди. Янгийўллик хўрозбоз каттароқ сўраган эди, Муртоз атайин оёғини тираб олди. Рақибнинг йирик қора бабақ хўрози биринчи югуришда қизил дакангнинг тожисидан битта паррагини узиб ташлади. Янгийўллик мўйлов қий-қириб юборди. Лекин бабақ бояқиш ўша — биринчи югуришдаёқ дакангнинг патларига сурилган қалампир захридан кўзларига озгина илаштирган бўлса ажаб эмас! Иккинчи бор югуришда қизил даканг бир ёнга сурилиб кетди чамаса, қора бабақнинг тумшуги унинг патлари орасидан сирқалди... Ҳеч қутилмаганда қора бабақ бошини хиёл эгиб олганича давра бўйлаб қочишга тушди. Қизил даканг эса, гўё тожиси узиб

сан, — деди Муртознинг ёқасига ёпишган одам. — Менда пул йўқ! — деди Муртоз.

— Уйингдан объеклиб бер! — Уйимда ҳам пул йўқ... Бир маҳал янгийўллик мўйлов қўлида пичоқ билан сўқиниб ўрнидан турди: — Ҳе, ўша... онанг...

Ўртага бошқа бир одам тушмаганида воқеанинг нима билан тугаши номаълум эди.

— Ҳў, мўйлов! Пичоғингни қинга солиб қўй! Гушналигингни Янгийўлнинг қилисан!.. Бу ерни Тошкан дейдилар!

Бамайлихотир айтилган бу сўзлар эскижувалик Собирнинг овози эди. Мўйлов Собир каллакесар деб ном олган, қотмадан келган йигитга бир қарадио дарҳол шаштидан тушди. Чамаси у Собирни аввал ҳам кўрган, ҳеч бўлмаганда номини эшитган эди. Собир чиндан ҳам юзидан заҳар ёғилиб ўтирар, ёноғи остидаги кўкимтир томилар қимирлаб турар эди. Бироқ у жаҳлини ичига ютиб, ўрнидан тур-

— дея мушукнинг олдида яримтача чебурек ташлайди. Мушук эса таомни ейиш ўрнига худди жонли нарса билан олишайтгандек пиш-қириб нарироқ қочади. Ҳасанбой ака мушукка қараб ўйланиб қолади. Тақводорроқ бўлгани учунми, ушатилмаган иккита чебурекни қозғога ўраб, ўрнидан туради. Тўшпа-тўғри Даҳбеддаги участка милиционерига йўлиқиб, бор гапни айтиб беради. Милиционер ҳам дарҳол мотоциклини ўнглайди. Иккалалари йўлга тушадилар. Самарқандда ҳалиги иккита чебурек текширувдан ўтказилади: қўй гўштита... ит гўшти аралаштирилганлиги маълум бўлади...

...Катта қора сумкани гўштга тўлдириб бамайлихотир келаятган Муртоз чебурекхонанинг бекилиб турганидан ҳайрон бўлади. Эшикгача яқинлашганида ичкаридан Эвраметнинг овози эшитилади:

— Мен билмайман... Гўштни шеригим келтиради... Менга қўй гўшти деб айтади... Келса ўзидан сўрай-

ди? — сўрайди Эшонқул.

— Тамаки заводи куйиб кетибди ёмиш.

— Ростдан-а?

— Ҳа, ростдан... Бугун Тошкентир Тошкентдан келди, ўша айтди. Ҳали буердаги магазинчилар билмайдилар. Агар билса, аллақачон яшириб қўйган бўларди. Мен боя бир яшигини магазиндан олиб, уйга обориб қўйдим. Бир-икки йилгача бемалол чекавераман. Қимматлашиб кетса бир қисмини сотсам ҳам бўлади...

Эшонқул ҳам наригисининг гапини қувватлайди:

— Яхши айтдинг, оғайни, мен ҳам олиб қўйишим керак экан...

Шу гап асносида Муртоз суллоҳ ичбуруғи тутиб қолгандек ошиғич жавоб сўраб ўрнидан туради. Тўшпа-тўғри озик-овқат дўконига кириб, тўрт яшиқ «Прима» сигаретаси сотиб олади. Сотувчи ҳайрон бўлади-ю йидамайди. Суллоҳ бир неча кундан кейин чўнтакка тушадиган тўрт ярим минг сўмни кўз олдида келтириб, саккиз юзу қанчадир сўмни сотувчига нақд санаб беради. Дарҳол битта машинани қирага олиб, яшиқларни темир йўл вокзалига етказди. Ўзига олган чиптадан ташқари юк учун провондникка ҳам бироз пул тўлаб, Тошкентга етиб келади, яшиқларини ҳам ёсон-омон пастга тушириб олади... Қисқаси, у сигарета тўла яшиқлари билан бир вақтлар ўзи ўсган — ўғай онасидан туғилган укалариникига кириб боради. Отаси уч-тўрт йил муқаддам бандаликни бажо келтирган, ўғай онаси ҳам қариб қолган, укаларининг каттаси аллақачон воёга етиб, рўзгорни бошқариб турар эди.

Муртоз бироздан сўнг маҳаллани айланиб чиқади, кўчада бир-икки танишларини учратади. Маҳалладаги озик-овқат дўконига кириб, папирос қўйиладиган тарафга кўз ташлайди: дўконда папиросу сигаретларнинг ҳамма хиллари таҳланиб турарди.

— Бундан кўпми? — деб сўрайди Муртоз секингина.

— Қайсидан? — дейди сотувчи йигит уни яхши англамай.

— «Прима» дан.

— Ҳа, навал... Қанча керак?

Муртоз беихтиёр бурилиб, пешонасига «шпал» ётқизиб уриб қўяди. Алданганини, ўзининг хасислиги учун сурхондарелик улфатлари унга қалтис ҳазил қилганларини тушунади... У ўша сафари давомида майда-чуйда ҳаражати билан роп-роса минг сўмга куйиб қолади...

Йиллар ўтади. Муртознинг бошига мусибат тушади: хотини бир неча ой касал этиб, вафот этади. Муртоз ўн ёшли ўғли билан бева қолади. Бунинг устига техникумга ревизия келиб, у ердаги ҳисоб-китоб ишларидан чалқалиқ топади. Қаллобликнинг асосий илдизи ўзига келиб тақалишини Муртоз сезиб қолади. Турманинг панжаралари ўзига яқинлашиб келаятганини сезган Муртоз Тошкентга — катта укаси Мустафого «тезда етиб кел», деб телеграмма юборади. Бу пайтда Мустафо катта бир наприйтда бош муҳаррир ўринбосари эди. Жигарчилик эмасми, Мустафо акаси ишлайётган районга дарҳол етиб боради. У чиндан ҳам Муртозни фалокатдан қутқариб қолади: район идоралари билан гаплашиб, камомадни Муртоз ҳисобидан нақд тўлатишга, акаси устидан жиноий иш қўзғатмасликка кўндиради... Мустафо акаси билан жиянини Тошкентга кўчириб келади...

Оқилжон ҲУСАН.

Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари • МУРТОЗ СУЛЛОҲНИНГ КЎРГАН — КЕЧИРГАНЛАРИ

олингани учун, «шерга айланиб кетди», — қора бабақни қува бошлади. Ҳозиргина қийқириб турган янгийўллик хўрозбоз бирданга бўшашиб қолди.

— Қани, яқинини чиқаринг энди, оға, — деди кимдир янгийўллик хўрозбозга, — гап гавдада эмас, кучда...

— Қизил даканг ағасига ўхшаган пухта-пишиқ экан!

Янгийўллик мўйлов бировнинг қўлида турган ўз хўрозига еб қўйгудек бўлиб тикилди-да, ўртага тўртта ўн сўмлик ташлади. Муртоз пулни олиб, индамай ёнига солди, жойига келиб ўтирди. Ўтирганлар бири олиб, бир қўйиб қизил дакангга «чайир», «чаққон», «пихини ёрган» деб мақтар эдилар. Кимдир дакангбойга меҳрибонлик кўрсатиб, узишган тожиси ўрнига йод суриб қўйди! Бошқа хўроزلар ўртага тушди... Уйин охирида қизил даканг Муртознинг ёнига яна юз сўм «солиб қўйди».

Ҳар ҳафтада бир бўладиган хўроз уриштириш ўйини шу тариқа давом этаверди. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам бошланиши бўлганидек охири ҳам бор-да! Вақти билан Муртознинг ўз хўрозларини қалампир сувига чўмилтириб, лўттибозлик қилиб келаятгани биланиб қолди. Бу воқеа ўша ялангликдаги даврада юз берди. Муртознинг хўрозини ишқибозларнинг деярли ҳаммаси навбатма-навбат ялаб кўришди... Сўнгра Муртозни турткилаб, сазойи қилиб ўртага чиқаришди, ўша кунни ютган пулларини тортиб олишди, хоҳлаганларича сўқинишди. Бу орада аввалги ўйинларда ютқизганлар ҳам ғўрмуш қилиб қолишди: ўзлари ютқазган пулни Муртоздан талаб қилишди. Муртоз индамадан — без бўлиб тураверди. Кимдир келиб унинг ёқасига ёпишди, бошқа биров ажратмоқчи бўлди.

— Пулни чиқар, лаънати! Мендан икки юз сўм олган-

мади, ўтирган қўйи Муртозга буюрди:

— Ҳой, този ит! Қани, ҳозирроқ даврандан чиқиб жўна! Агар бирон жойда хўроз уриштирганингни эшитсам, билиб қўй, калланг қўлингга бўлади!

Муртоз индамай чиқиб кетди. У бу «касб»ни ҳам ташлади, ҳайё-ҳайт деб Тошкентдан Самарқандга жўнади. Беш-олти кун у ер-бу ерда тентираб юрди-да, охири Эврамет деган бир таниш орттирди. Иккаласи гапни бир жойга қўйиб, Сиббозори яқинида чебурекхона очинди. Чебурекхона шаҳар умумий овқатланиш идораси ихтиёрида эди. Муртоз ўзлари очган емакхонани ун, гўшт, пивз ва бошқа масаллиқлар билан таъминлар, Эврамет эса чебурек пишириб сотиш билан вақт ўтказар эди. Улар фойдани бир тийин нари-бери қилмасдан бўлиб олишарди.

Бирор йил ўтар-ўтмас у ерда ҳам ишқал чиқди. Бунинг тафсилоти қуйидагича: Даҳбед қишлоғида яшовчи Ҳасанбой ака Самарқанд бозорига уч-тўрт қоп сабзи, турп келтириб сотади-да, бозордан чиқиб бораётганида йўловчилар еб турган чебурекка кўнгли суст кетади. Тўртта чебурек олиб, иштаҳа билан ейди. Қорни очиб турган эканми ёки таом ширин туюладими, яна иккитасини бир-бирига қўшиб ўрайди-да, паққос туширади. Сўнгра, болалари учун ўнта чебурекни қозғога ўратиб олиб, Даҳбедга жўнади. Уйига етиб борган, дастурхон атрофига ўтирадilar. Ҳасанбой аканинг хотини, болалари шаҳардан келтирилган таомни мақтаб ея бошлайдилар. Шу пайт ҳовлида юрган мушук уйга кириди-ю, дастурхон яқинида бирданга жунини ҳурпайтириб, нимадандир жаҳли чиққандек ғалати мийёлаб, пишиллайди. Ҳасанбой аканинг хотини:

— Вой қуриб кетгур, овқатдан қуруқ қопсан-да,

сизлар... Ҳозир келади...

Муртознинг қрағи орқасига тортиб кетади. Қўлидаги сумкани, секин деворга тираб қўяди-ю, биров кўриб қолишдан қўрқиб, шартта орқасига бурилиб қочади. Нарироққа бориб, йўл-йўлакай таксига ўтиради-да, вокзалга жўнади. Станцияда энди ўрнидан жилаётган юк составига осилиб, ярим тунда Когонга етиб олади. Эрталабга яқин Когондан Сурхондарёга жўнади.

Муртоз Сурхондарёдаги районлардан бирида узок йиллар қолиб кетади. Дастлаб районнинг шираровлик цехида қоровуллик, кейинроқ инспекторлик қилади. Бир неча йилдан сўнг ўша ердаги техникумга кассир-бухгалтер бўлиб ўтади. Шу ерда уйланади, фарзанд кўради. Энди у шароитга бироз мослашиб, «кўп-кўп эмас, оз-оз ейиш» услугига ўтади, гўнқарға сингари бир чўқиб, икки қарашга одатланади. Таниш-билишлари кўпаяди. Лекин хасислиги, бир тийин учун ўзини томдан ташлашга тайёр эканлиги билан танилади, атрофдагиларнинг ҳазил-хазил гапи учун асосий нишонга айланади. Ҳазилкаш таниш-билишлари бир гал уни роса чув туширадilar...

Тахминан ўн чоқли одам даврада зиёфат еб ўтиришарди. Уйин-кулги давом этаётган пайтда улфатлардан бири Муртознинг ёнидаги йигитга «Прима» сигаретасидан узатади-да:

— Янги гапдан хабаринг борми, Эшонқул? — деб шивирлайди. Муртоз, гарчи уларга томон юзини ўгирмаган бўлса ҳам, «янгиликни мен ҳам эшитиб олай», деб қулоғини динг қилади.

— Нима янгилик экан, эшитайлик, — сўрайди Эшонқул дегани.

— Тошкентда мана шу «Прима» папиросининг пачкаси бир сўмга чиқиб кетибди, — дейди нариги улфат.

— Ия, нега бунақа бўлиб-

• Кулги усталари •

ТУЛАН ТАБАССУМ

Бировни кулдириш осон эмас. Гап беғубор, самимий юракдан чиққан кулги ҳақида бораёпти. Айниқса кулги иллатларни йўқотишга, «эрта келинг», «индинга келинг» деб одамларни сарсон қилиб ташлайдиган қоғозбозларга қарши курашга, лаган-бардорларни фаш этишга қаратилиши керак бўлган бўлса бу ишнинг уйдасидан чиқиш янада мушкул. Аммо ҳозир эл орасида «Тўлан табассум» тахаллуси билан машҳур бўлиб кетган Тўлан Қўзиев бу ишни неча йиллардики ўрнига қўйиб, катта ҳурмат, эътибор топиб келмоқда.

Тўлан табассум ҳақида ёзишдан олдин уни илгаридан анча таниган, билганлар билан ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Бундай мулоқотлардан шундай хулоса чиқардикки, унинг ҳажвий, кулгибоп митти ҳикоялар, қатралар яратиш қобилияти Тошкент Давлат дорилфунунининг филология куллиётида ўқиб юрган чоғларидаёқ анча ёрқин намоён бўлган экан.

— Ўқув йили бошланиши билан ўн беш, йигирма кун ўтар-ўтмас биз талабаларни пахта териш учун гоҳ Сирдарё вилоятига, гоҳ Тошкент вилоятининг Бўка районида олиб чиқиб кетишарди, — дея эслади журналист Маҳмуд Комилжонов, — ёшлик эмасми, кун бўйи пахта терсак ҳам чарчаш нималигини билмасдик. Кечқурунлари гулхан ёқиб шеърхонлик оқшомлари ўтказардик. Ана шу тадбирларда Тўлан Қўзиев фаол иштирок этар, донми кулги уйғотадиган шеърлари, ҳажвийларидан ўқиб берар эди. Унинг ижодий машқлари дангасаларни, борган жойимизда колхозчиларга шарт-шароит яратишга эътибор бермаган беғам раҳбарларни истеҳзоли кулги билан танқид қилишга қаратилар эди.

Тўлан аканинг севги, муҳаббат, дўстлик мавзуларидаги энгил кулги уйғотувчи қатраларини ҳам маза қилиб тинглар эдик.

— Тўлан Қўзиев даврага чиқиши билан ўзидан-ўзи бизнинг чехраларимизда ҳам табассум пайдо бўлаверар эди, — дея олтин давр лавҳаларини ёдга олди Муҳаммадjon Бобононов, — унда қандайдир сеҳр бормиди, билмадим. Лекин кўзлари ҳаммиша қилиб турар, дарҳол ҳаммани кулдирадиган бирон бир латифаними ёки ҳажвийни, ё бўлмаса шеърини айтиб чехраларга табассум бағишларди. Шундан сўнг аскиялар бошланиб кетарди.

Бунақа пайтларда Тўлан ака бирон марта маромдан чиқмай, юрак-юракдан кулдира олганига гувоҳ бўлганман.

Одамларни кулдиришга чоғланган, бугун 50 ёшида янада кўп куч-ғайратга тўлган ижодкор Тўлан Қўзиевнинг таржимаи ҳоли оддий. Авлод-аждодида қизиқчи ҳам, ҳажвчи ҳам бўлмаган. Лекин ўзи туғилиб ўсган жойи Андижон вилоятининг Асака шаҳрида ўсмирлик чоғида кулги усталарининг, аскиячиларнинг айтишувларини кўп бора тинглаган. Кейинчалик у ўрта мактабда ўқиб юрганида ҳажвий ҳикоялар, шеърларни ҳавас билан ўқиди. Бора-бора ўзи

ҳам шу мавзуда қалам теб-рата бошлади. Талабалик йилларида бу иштиёқ янада кучайди. Тез орада рўзномалар, ойномаларда Тўлан Қўзиев деган ном кўзга чалинадиган бўлиб қолди. Ҳажвчининг ижод намуналари «Муштум», «Крокодил» мажаллаларида, эфир тўлқинларида, «зангори экран» кўрсатувларида пайдо бўла бошлади. Т. Қўзиев 1965 йили дорилфунунни битиргач, Ўзбекистон радиосига ишга қабул қилинди. Мана 26 йилдики, у адабий-драматик эшиттиришлар бош муҳаррирининг сатира ва юмор бўлимида муҳаррир сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Йигирма олти йил. Бир йигит умри. Инсон ҳаётида қайноқ иш фаолиятини чорак аср деб белгиланган. Шу даврда у бирон иш қилиб халққа манзур бўлган бўлса, умри зое кетмагани ҳисобланади. Шу жиҳатдан Т. Қўзиев фаолияти эътиборга сазовордир. У халққа ҳузур бағишловчи табассум яратди. Миллион-миллион тингловчиларнинг чехрасига ҳаво мавжлари орқали кулги ҳади этди. Ўз касбига эътиборан дўстлари даврасида Тўлан табассум деган ном олди. Масалан, қадимда

Тўйчи Ҳофиз, Зиёвиддин қори, Иса ошпаз дегандек Тўлан табассум тахаллуси ҳам оммалашиб кетди. Унинг бу ҳислатига ишора қилиб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси ёзган қуйидаги ўртоқлик ҳазили ҳам диққатга лойиқдир:

Маҳалласи — «Табассум», Ишлаш жойи «Табассум» «Табассум»ни мақташдан Толмас Тўлан табассум. Тўлан Қўзиев ижодига назар ташласак, у ҳажвийнинг турли мавзуларида қалам тебратётганлигини яққол кўрамиз. Ижодкорнинг кўпгина ҳажвий шеърларига музика басталанган ва улар ҳазил қўшиқларга айланиб қолган. «Келинг, кулишайлик дўстлар», «Жиззаҳ ёри», «Дийдённинг давоми» кабилар шулар жумласидандир. Тўлан машҳур қўшиқларга пародиялар ҳам яратган. «Дўлана» ўрнига «Бедана», «Келмаса келмасун нетай» ўрнига «Кулмаса кулмасин, нетай»лар шулар жумласидандир. Унинг беҳисоб интермедия, латифа, ҳажвий қатралари «Табассум»ни безаб борапти. У тўплаган «Табассум» ҳажвийлар китоби жуда кўп нусхаларда нашр қилинган бўлса ҳам тезда қўлма-қўл бўлиб кетган. Кўпчилик интермедия, латифа, қатралари аллақачон оғиздан-оғизга кўчиб, халқ мулкига айланиб юрибди.

Тўлан Қўзиевнинг номи жумҳурият ҳажвичилари Саид Аҳмад, Фарҳод Мусажонов, Неймат Аминов, Саъдулла Сиёев, Анвар Обиджонлар қаторида маълум ва машҳурдир. «Табассум» радиожурналининг ҳар бир сонини бир ҳажвий китоб десак муволаф бўлмас. Унинг тингловчилари доираси ҳам кенг, сони кўп. Т. Қўзиев ўз иши ва ижодига фидойи бўлганлиги туфайли, тинмай елиб-югуриб ишламоқда. Бунга юрагидаги жўшқин ғайрат, ташкилотчилик қобилияти қувват бериб туради. У радио студиялар атрофида ўралашиб қолмасдан тез-тез вилоятлар деҳқонлари, чорвадорлар, саноатчилар, талабалар ҳузурига бориб, «Табассум» радиожурнали ижодкорларининг ижодий учрашувларини уюштириб боради. Бу учрашувлар бир томондан меҳнаткашларга ҳузур ва ором бағишласа, иккинчи томондан бизнинг ижодкоримизга янги-янги мавзулар ато этмоқда.

Ҳайдар МУҲАММАД,
Сандвали ҲАСАНОВ.



■ Суратда: Тўлан Қўзиев (ўнгдан иккинчи) ҳамкасблари даврасида.
Сураткаш В. ТУРАЕВ.

• Тўлан табассум ижодидан намуналар •

КУЛГАНДА ОЙИМ ЧИРОЙЛИК

Тоғамнинг Жамила исмли жакжигини қизчаси бор. Бир кун ундан сўрадим:

— Ойинг чиройликим, адангми?

— Ойимлар чиройлик, — ойисига қараб жавоб қилди у.

— Йўқ, ойинг ҳунуқлар-ку, яна ҳазиллашмоқчи бўлдим мен.

— Ҳо-о... Ҳечам ҳунуқ эмаслар, — деди Жамила сал жақли чиқиб. — Сиз қовоқларини солиб турганда кўргансиз-да! Ойим кулсалар чиройлик бўлиб кетадилар.

ТЕЛЕФОНЧИ ҚИЗ

(Ҳазил)

Алло! Алло! Менга қаранг, телефончи қиз!
Этманг бунча ҳолимиз танг, телефончи қиз!
Уланг десам сизини эмас, дил улабсиз,
Е сиз билан айлаим жанг, телефончи қиз!
Шундан бери юрак қурғур телефон мисол,
Тинирчилаб, айлар қаранг, телефончи қиз.
Билсам сизсиз бойлабсиз-ку, менгинани
Шу ҳам ишми, сизини қаранг, телефончи қиз!

ЖОН ДЎҚОНДА СОТИЛМАЙДИ

— Бугун нега ишга бормадингиз, дада?
— Ҳадеб ишлайверадими, жоннинг дўқони борми, ўлим, — илқайиб деди ота.
Орадан бир кун ўтди.

— Бугун нега ўқишга бормадингиз, ўғлим?
— Ҳадеб ўқийверадими, жоннинг дўқони борми, дада? — тирқайиб деди бола.

ИШ КУНИМИЗ - БЎШ КУНИМИЗ!

(Ҳазил)

Дам олиш кун ўтди мана,
Ишхонага келдик яна.
Ишхонамиз миш-мишхона
Мишимиз тинглаб, хуш кунимиз,
Ўтар «қизғин» иш кунимиз!
Дам олиш кун биз бўш эмас,
Уй юмуши дам ол демас,
Биров сенинг ғаминг эмас,
Хўп чарчаймиз бўш кунимиз.
Иш кунимиз — хуш кунимиз!

Кимлар — у — бу ўқишади,
Кимлар ғайбат тўқишади.
Кимлар кимла чўқишади,
Ўтар «қизғин» иш кунимиз,
Иш кунимиз — хуш кунимиз!
Кунлар бунча чопиб елар,
Ҳафта ўтиб, ҳафта келар.
Беш кун ичи қилдик нелар?
Учди-кетди беш кунимиз,
Эрта яна бўш кунимиз!

БИРИНЧИ ҚУНҒИРОҚДАН КЕИИНГИ УЙЛАР

ЎҚИТУВЧИ-ЕТАКЧИ КУЧ

Оржоникидзе район халқ таълими ходимлари ҳаётида алоҳида из қолдирган ўтган ўқув йили воқеаларга бой бўлди. Кўплаб мактаблар жамоалари ўз олдидан турган масъулиятли вазифани ҳис қилган ҳолда эски фойдали тажрибаларни қўллаб, таълим-тарбияни янги усуллар билан такомиллаштириб бормоқдалар. Мактабларда тузилган «Мактаб — маҳалла», «Мактаб — саёҳат маркази», «Мактаб — ҳужалик», «Мактаб — маданий марказ», «Мактаб — меҳнат ва жисмоний тарбия маркази» сингари тўғарақлар йил бошиданоқ йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб турли хил машғулот ва секциялар ташкил

қилинади. Мактабларда пулли тўғарақлар кўпайтирилади. Райондаги мактаблардан ташқари муассасалардаги 224 тўғарақ ва спорт шўбалари яна фаолият кўрсата бошлайди.

Ўтган ўқув йили мобайнида ёшларни ўқитишда эришилган тажрибалардан фойдаланилади. Хусусан, 7-мактабда хусниҳатга ўргатиш, 38-мактабда кўргазмалар кўрсатиш йўлини борасидаги ютуқлар оммалашади.

23-мактаб ва 4-мактаблар аро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг молнавий мустақиллик, бир қатор мактабларда табақалаштириб ўқитиш борасидаги тажрибаларини ёйишга эътибор

берилади. Районда ўзбек, рус, араб тиллари, математика, ахборот-ҳисоблаш фанларини чуқур ўзлаштириш бўйича бундан икки йил аввал бошланган иш давом этади.

Айрим мактабларда туб миллатга мансуб бўлмаган ўқувчилар сони кўп эмас. Шунинг учун уларни ўз она тилига ўргатиш факультатив машғулотлар ва тўғарақларда олиб борилади. Масалан, 14-мактабда уйғур, 2-, 7-, 17-, 37-мактабларда қozoқ, 10-, 21-, 22-, 35-мактабларда тожик, 4-, 5-, 15-мактабларда татар, 10-мактабда қирғиз, 1-, 11-мактабларда қрим-татар тили шу асосда ўрганилади. Мазкур ўқув йилидан бошлаб 43-мактаб корейс ти-

лини ўргатишга ҳозирлик кўрмоқда.

Юқорида қайд қилинган вазифаларни амалга оширишда асосий оғирлик ўқувчилар зиммасида бўлади, албатта. Шу боис ҳам ўқувчининг ижтимоий аҳволи, унинг меҳнатини қадрлаш, муносиб баҳолаш масалалари халқ таълими бўлими ҳамда мутасадди ташкилотларнинг доимий эътиборида. Ўтган йили 230 нафар ўқувчи ва раҳбар моддий рағбатлантирилди. 150 нафари район халқ таълими бўлими, вилоят бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Мактабларнинг моддий техника таянчи масаласига келсак, йил охирига қадар 28-мактаб, Қибрай қўғонидаги болалар боғчасининг бинолари фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Таъмирлаш ишларида райондаги бир қатор ҳужаликлар ёрдами самарали бўлди.

Биз янги ўқув йили бошланиши муносабати билан бир қатор ўқитувчиларни суҳбатга жалб этдик. Масалан, 4-мактаблар аро ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори А. Туёқбоев, 25-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси А. Маҳаматов, 3-босқич мактаби директори Х. Ортиқхўжаев, 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Б. Абдурахмонов, собиқ ўқитувчи Р. Азизхўжаев, Ангрен педагогика билимгоҳининг ректори Н. Иброҳимов, 1-мактаб директори И. Михолский ўртоқлар ўқувчилардаги лоқайдликка қарши курашиш, уларнинг илм олиш самарасини янада ошириш учун ўқитувчилар обрўсини кўтариш зарурлиги, шунингдек болаларни меҳнатга жиддий жалб этиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Р. УСМОНОВА.

• Инсон ва қонун •

Бу рўй бермаслиги мумкин эди. Лекин лоқайдлик, бепарволик жиноятга йўл очди.

Хос — Бекободдаги қадимий қишлоқ. Одамларининг ҳам ўзига хос феъл-атвори, урф-одати бор. Тўй-маъракаларини ўзларига хос тарзда ўтказишади. Шу қишлоқдан икки полвон етишиб чиқди. Биринчи Алижон, иккинчиси Олимбой. Тўй бўлса турли хил ўйинлар кўрсатишарди. «Фалончиникига полвон келибди», дейишса — тамом, болакайлардан тортиб, тишлари тушиб, қўллари қалтираб қолган момоларгача етиб келишади...

Олимбой билан Алижон ҳеч қачон биргаликда ўйин кўрсатишмасди. Биринчи борган тўйга иккинчиси қадам босмайдди. Куч ва маҳоратда Алижон устун. Катта-катта тошлар унга коптокчалик эмас. Довруғи Хосдан чиқиб, вилоятга ёйилган. Рўзномаларда расмларини беришди. Бу Олимбойнинг акаси Рўзбойга ёқмасди, гайрилиги келарди. Қишлоқда Аноркуловлар эмас, Маҳкамовлар биринчи полвон бўлишлари керак, тамом-вассалом! Лекин биринчи бўлиш осонми? Бунинг учун атрофнинг ўраб турган халқни ҳайратда қолдиришнинг, кучининг кўрсатиб қўйишнинг керак. Афсуски, Олимбойнинг чирангани билан Алижонга етолмасди.

— Алижон жонимга тегди, — Рўзбой сўнгги қадаҳни симириб, гезариб, пириллаётган лабларини артди, мастона кўзларида совуқ учқун кўринди. — Қачонгача бўйнимизни қисиб юрамиз? Хосда ё у турсин, ёки биз турайлик!

Уй эгаси Фахриддин, унинг отаси Абдулатиф оғизларига талқон солгандек жим туришарди. Рўзбойга гап уқтириш қийин. Ниҳоятда жоҳил-тажанг одам. Бир эмас, уч марта қамалган. Қўлидан ҳар бир иш келарди... Фахриддиннинг ҳаёлидан шу ўйлар ўтиб, Рўзбойга тикилиб туради. У ичкилик таъсиридан дадилланган, фикрлар жиловини тутолмаслик даражасига етган эди.

— Менга қара, Фахриддин, — деди Рўзбой. — Сен менин оғайнимсан-а? Ҳа, балли! Энди, гапга қулоқ сол...

Фахриддиннинг ранги ўчди, кўзлари катта-катта очилди. У шу топда қийин аҳволда қолганди. Йўқ, деса, барибир кўндирарди, судраб

бўлса ҳам олиб боради. Рўзбой шунақа одам.

Икки оғайни гапни бир ерга қўйиб, гаплашиб кетишарди. Йўлда уларга танишлари Умарқул учраб, мотоциклда Рўзбойнинг уйи яқинидаги бетон кўприк олдида ташлаб кетди. У уйига кириб, аввалдан тайёрлаб қўйган қўшотар милтигини ўқлаб, миллий пичоғини ёнига солиб чиқди.

— Энди машина керак.



возаси олдида тўхтади. Фахриддин дераза олдида келиб, «Алижон ака», деб чақирди. Жаҳон опа чўчиб уйғонди. Ўғлимни шу маҳалда ким чақиряптикин, деган хаёлда деразадан қаради. Кўзига мўйловли йигитча кўринди. Юрагига гулгула тушди. Йигитчанинг кўзлари негадир бежо эди.

— Алижон уйда йўқ, — деди Жаҳон опа шошилиб. Бояқиш она ўғлининг уйғо-

— деди у. — Ишни битиргач, пиеда қаергача борардим. Қўлга тушсам, этимни бир бурдадан қилиб юборишади. Айтгандек, Собирда машина бор-ку.

Собир Рўзбойнинг бежо кўзларига, бўзарган юзига шубҳа билан тикилди.

— Узоқ эмас, ярим соатда қайтиб келасан. Собир кўнмади. Шунда Рўзбой унинг чап биқинига милтиқ тиради: — Мени биласан-а, ҳазиллашмайман. Тез бўл, машинани олиб чиқ!

Собир «М-412» маркали, «И 91-79 ТП» номерли «Москвич» автомашинасини Рўзбой айтган томонга ҳайдади.

— Тўхтат, — деди Рўзбой ўз уйи олдида келгач. — Ҳозир томоша кўрсатамиз. У машина ойнасини тушириб, милтигини Собирнинг елкасидан, ўтқизди. Тепкини босди. Тинчгина ором олаётган қишлоқ варанглаган овоздан бир тебранди. Кайфи баттар кучайган Рўзбой милтиқдан яна икки марта ўқ узди. Дарвозалардан, деразалардан уйқусираган, ваҳимага тушган кишилар кўринди. Собирнинг хотини Бўстон ўғли билан югурдек бўлиб келишди. Собир ўрнидан кўзғолган эди, орқа ўрнидада ўтирган Фахриддин елкасидан босди: «Қимирлама».

Машина Алижонлар дар-

ниб қолишидан хавфсирарди. Яхши одам ярим кечаси келмайди. У Алижонга қасдлашиб қолган Рўзбойдан чўчирди. Ичкилиб, худо ўз паноҳида сақласин, болачақаларига ўзи бош бўлсин...

— Ойи кимдир чақирди-ми? — Алп қоматли Алижон уйқусираган ҳолда уйдан чиқди. Жаҳон опа «Уйга кир, кўчага чиқма», деса ҳам «Қўрқманг, кўрайлик-чи, ким экан?», деганча дарвозани очди. Бозовта она ўғлига эргашди. Ним қоронғуликда кўзлари ваҳшиёна ёниб, Рўзбой турарди. У ўзи томон келаётган Алижонни мўлжаллаб, тепкини босди. Ўқ овози Жаҳон опанинг фарёди билан қўшилди. У жон ҳолатда Рўзбой томон интилди: «Нима қилиб қўйдинг?!». Қотил милтиқ оғзини аёлга тўғрилади. Оғир яраланиб, тебраниб турган Алижон онасини гавдаси билан тўсди. Яна ўқ отилди. Шунча кураш тушиб, елкаси ерга тегмаган азамат йигит номард ўқидан йиқилди. Нури сўниб бораётган кўзлари билан онасига тикилди, аранг сўради: «С... сизга ўқ тегмадими?». Жаҳон опа фарёд урди: «Уша номард сени отгунча мени отмайди, жон бола!».

Қишлоқ бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Алижоннинг акаси Мирзаалим,

синглиси Гулшаной етиб келишди. Беш ёшли Азизбек, эндигина уч ёшга қадам қўйган Лазизбек дадалари атрофида чирқираб туришарди. Мирзаалим аламига чидамай бошга муштларди.

Қариндош-уруғлар Рўзбой изидан қувишди. Хонадонлардаги кучуқлар занжирларини узгудек бўлиб хуришарди, одамларнинг шовқин-сурони эшитиларди...

«Қишлоқда фақат менин укам полвонлик қилади», дерди. Маҳкамовлар укамни кўплашиб калтаклашди. У касалхонада ётиб чиқди. Барибир Алижон полвончилигини ташламади. Чунки кўп йиллар давомида бу оғир жисмоний ўйинга ўрганиб-қўникиб қолганди.

Биз жигаримиздан айрилдик. Юрагимизда бир умр армон қолди. Сизлардан ушбу воқеани рўзнома орқали бошқаларга билдиришимизни сўраймиз. Чунки бундай фожиа такрорланмасин, оналар, ёш-ёш келинчаклар, аёллар зор қақшаб қолмасин, ҳамма хушёр бўлсин, лоқайдликка берилмасин, деймиз».

Алижон номард ўқидан дунёдан бевақт кетди. Лекин Хос одамлари лоқайдлик қилишмаганда эҳтимол ўқ отилмасмиди? Рўзбой ичкилик ичиб, Собир Тошматовнинг биқинига милтиқ тираганда, ярим кечаси варанглаб ўқ отганда наҳотки бирор киши унинг қўлидан қуролини тортиб ололмади? Майли, тортиб ололмаса ҳам ҳеч бўлмаганда ички ишлар бўлимига, участка инспекторига ҳабар қилиш мумкин эди-ку.

Абдулатиф Кенжаевнинг лоқайдлиги туфайли ўғли Фахриддин жиноятга қўл урди, «қотилнинг шериги» деган ёрлиқ олди, саккиз йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди. Ота энди минг бор пешонасига ургани билан фойдаси йўқ.

Тошкент вилоят судининг жиний ишлар бўйича коллегиясининг вилоят суди аъзоси М. Саломова раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида Рўзбой Фахриддин энг олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилинди.

Азиз муштари, рўзноманиннинг аввалги сонларидан бирида худди шу Бекобод районида рўй берган қотиллик хусусида ҳикоя қилгандик. У ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ён-атрофда яшовчи кишиларнинг лоқайдлиги туфайли содир бўлганди. Ана шу лоқайдлигимиз эл-юрт орасида танилиб, ном қозониб келатган азамат полвон Алижонни орамиздан олиб кетди. Агар шу алфозда юраверсак, эртага яна қайсидир хонадондан тобут лопиллаб чиқади, етимлар, жигарбағри эзилган оналар кўпаяди.

Хосдаги фожиа асло такрорланмасин.

Эсон ҚОСИМОВ.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Душанба, 9

● УЗТВ I

18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «ХУҚУҚ ҲАТИМИЗДА».
19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
19.50 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов куйлайди.
21.00 «АХБОРОТ».
21.25 Бир асар тарихи. Ойбек «НАВОИЙ» романининг яратилиши ҳақида.
21.55 УЗТВ хазинасидан. Ойбекнинг «НАВОИЙ» романи асосида видеофильм. 1-қисм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
19.05 «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ» (такрор).
20.05 «СПРИНТ».
20.30 «БУЛУТ ОСТИДАГИ ОҲУЛАР». Телефильм.
20.40 Малика Аҳмедова билан учрашув.
21.05 М. Бафоев. «АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БЕШ РУБОИЙ-СИ».
21.35 «МОСКВА ВАҚТИ БИЛАН». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).
ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба, 9 сентябрь кунини МТ—ОРБИТА-4 кўрсатувлари соат 6.00 дан 13.10 гача УЗТВ I канали орқали намоиш этилади.

● МТ — ОРБИТА-4

6.00 «ТОНГ».
8.35 «УНИНГ ҚАЛБИ ТИРИК». Телевизион ҳужжатли фильм. Астафьево музей-чорбоғи ҳақида.
8.55 Мультфильм.
9.10 «Марафон-15».
10.10 «ДАВИД ВА ГОЛИАФ». Телевизион бадий фильм (Булгория телевидениеси).
11.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Шотландия эртаги.
11.30 ТСН.
11.50 «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.
12.05 Футбол шарҳи.
12.35 Поволжье халқларининг иккинчи фольклор фестивали. Нижний Новгороддан кўрсатилади.
* * *
14.30 ТСН.
14.45 «ИВАН ПАВЛОВ. ҲАҚИ-

ҚАТ ИЗЛАБ». Беш серияли телевизион бадий фильм. 1-серия — «МЕН РЯЗАНДА ТУГИЛДИМ» (Лентелефильм).
16.00 С. Прокофьев. Фортепиано ва оркестр учун си бемоль мажор 4-концерти (чапқайлар учун).
16.25 «6-композиция». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «ХХ АСР РУС ЖИВОПИСИ» туркумидан (Давлат телерадиоси ва «Панорама» студияси).
16.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
17.55 «Ен дафтар».
18.00 ТСН.
18.15 «БИЗ ВА ИҚТИСОДИЁТ».
18.45 «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.

19.00 «Қизиқувчилар олами».
19.15 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 1-серия (М. Горький номли киностудия).
20.30 Информацион программа.
21.10 Футбол шарҳи.
21.40 «ИГУАНЛАР ТУНИ». ССР Иттифоқи Давлат академик Малый театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Т. Уильямс. Танафус пайтида (23.00) — ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.50 «САНАМЛАР». Олег Газманов.
01.20 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 1-серия.
02.35 «Яна оперетта».

Сешанба, 10

● УЗТВ I

18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 «Қувноқ болалик дийрида». Мультфильм.
18.30 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «ҚУШИҚ БИЛАН БОШЛАНАР ТОНГИМ».
19.00 «ДЕҲҚОН ЮМУШЛАРИ».
19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
19.45 «Медое» спорт комплекси сахнасида Ўзбекистон эстрадаси.
20.30 «БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН БУ НАВО». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм».)
21.00 «АХБОРОТ».
21.25 «Спортлото».
21.30 «ИСТЕЪДОД». Наманган вилояти мусиқали драма ва

комедия театрининг актери Маъруф Ниёзов.
22.20 Ойбек. «НАВОИЙ». Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
19.05 «ЗИЁКОР».
19.50 «МОҚШАДАГИ ҚУРИҚ-ХОНА». Телефильм.
20.00 «ЛАҲЗА». Хабарлар.
20.10 «ШАҲАР ЮМУШЛАРИ».
21.30 «БОЛАЛАР» кўрсатуви.
22.25 «СЕН МЕНИНГ ҚУШИ-ФИМСАН». Бадий фильм («Ўзбекфильм».)
● МТ — ОРБИТА-4
6.00 «ТОНГ».
8.30 «Алдар Кўса». Мультфильм.

8.45 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестри яхкахонлари квартети чалади.
9.00 Болалар соати (немис тили дарси билан).
10.00 «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 1-серия.
11.15 Биржа янгиликлари.
11.30 ТСН.
11.45 ХОККЕЙ. Канада кубоги. КАНАДА—СССР терма командалари. Канададан кўрсатилади.
13.45 «Телемикст».
14.30 ТСН.
14.45 «ИВАН ПАВЛОВ. ҲАҚИ-ҚАТ ИЗЛАБ». Беш серияли телевизион бадий фильм. 2-серия — «ҲАЛ ҚИЛИНМА-ГАН МАСАЛА».
15.00 А. Бородин. Си минор

2- («Қахрамонлик») симфонияси. Россия миллий симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — М. Плетнев.
16.25 «Давр формуласи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «ХХ АСР РУС ЖИВОПИСИ» туркумидан.
16.55 «Чемпионлар билан биргаликда».
17.10 «Болалар мусиқий клуби».
17.55 «Ен дафтар».
18.00 ТСН.
18.15 СИЕСИЯ МУЛОҚОТЛАР.
19.00 «Қизиқувчилар олами».
19.15 «Россия тароналари» телерадиотанлови дипломанти «Воскресенье» ансамблининг чиқиши.
19.25 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИ-

ЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 2-серия.
20.30 Информацион программа.
21.10 ХОККЕЙ. Канада кубоги. КАНАДА — СССР терма командалари. Канададан кўрсатилади. Танафус пайтида (22.45) — ТСН.
23.45 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 1-кўрсатув.
00.10 «ЧЕРНОБИЛЬ БОЛАЛАРИ — БИЗНИНГ БОЛАЛАР». Хайрия концерти.
01.15 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 2-серия.
02.20 «ВАЛЬС, ВАЛЬС, ВАЛЬС...». Киноконцерт.

Чоршанба, 11

● УЗТВ I

8.00 «АХБОРОТ».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «АЛАМ ДАРЕСИ». Телефильм.
8.55 Ойбек. «НАВОИЙ». Видеофильм. 1-қисм (такрор).
10.30 БИОЛОГИЯ. Эволюцион таълимот.
11.00 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «ТЕЛЕЖАРИДА».
11.30 КИМЕ. Кучли ва кучсиз электролитлар.
* * *
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 «Ҳаво шарида сайр». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».

18.55 «ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ».
19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
19.50 «НАҚШЛАР ЖИЛОСИ». Халқ амалий санъати ҳақида.
20.40 «БУТУН УМР ДАВОМИДА». Телефильм.
21.00 «АХБОРОТ».
21.25 Бахтиёр Тўлаганов куйлайди.
22.05 Ойбек. «НАВОИЙ». Видеофильм. 3-қисм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
19.05 «ТАБИАТНИ АСРАНГ». Кинопрограмма.
20.00 «ПУЛЬС». Хабарлар.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.40 «ВЕЛОСИПЕД НЕГА ИХТИРО ҚИЛИНАДИ?». Те-

лефильм.
20.50 «МИРАЖ».
21.50 «КИНОНИГОҲ».
● МТ — ОРБИТА-4
6.00 «ТОНГ».
8.35 «Чўқчабоқар». Мультфильм.
8.55 Қора Қороев номли Озарбайжон Давлат камер оркестри — студиямиз меҳмони.
9.25 «Чемпионлар билан биргаликда».
9.40 «Болалар мусиқий клуби».
10.25 «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 1-фильм. 2-серия.
11.30 ТСН.
11.45 «ЖАҲОН БОЗОРИНИНГ КАЛИТИ».

12.15 «ОНАМ, ДАДАМ ВА МЕН».
* * *
14.30 ТСН.
14.45 «ИВАН ПАВЛОВ. ҲАҚИ-ҚАТ ИЗЛАБ». Беш серияли телевизион бадий фильм. 3-серия — «Реалистлар».
15.50 Концерт.
16.00 «Биржа учувчиси».
16.10 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.10 «Ен дафтар».
17.15 «ПЛАНЕТА».
18.00 ТСН.
18.15 «ЯУЛНИ ҚАЕРГА ОЛИБ БОРИШНИ АЙТМАЙМАН...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Поволжье татарларининг миллий урф-одатлари ва турмуши ҳақида

[Саратов].
18.50 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 2-фильм.
20.30 Информацион программа.
21.10 «ЭСКИ ТАНИШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ХРОНИКАСИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Илья». 1 ва 2-фильмлар.
22.50 «КИНОПАНОРАМА».
00.05 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 2-кўрсатув.
00.30 МТ экранда биринчи марта. «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 2-фильм.
02.05 Балет артистларининг концерти.

Пайшанба, 12

● УЗТВ I

8.00 «АХБОРОТ».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «ҲАР ДОИМ БУЛСИН ҚУЁШ».
9.15 «ЎЗБЕКИСТОН». Телевизион киножурнал.
9.25 Ойбек. «НАВОИЙ». Видеофильм. 2-қисм (такрор).
10.30 ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ АСОСЛАРИ.
11.00 «ЕШЛИК» студияси саволларингизга жавоб беради.
11.30 ИНФОРМАТИКА ВА ХИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ.
* * *
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.

18.10 «Сахий ўрмон». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
19.00 «ПАХТАКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ».
19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
19.50 «НАСИБА». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм».)
20.30 «СЪЕЗД ОЛДИ УЙЛАРИ». Ўзбекистон ёзувчиларининг X съезди олдидан.
21.00 «АХБОРОТ».
21.15 «ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАРИ». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мардон Насимов.
22.15 Ойбек. «НАВОИЙ». Видеофильм. 4-қисм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
19.05 «БИЗНИНГ НАБИРАМИЗ МИЛИЦИЯДА ИШЛАЙДИ». Бадий фильм («Ўзбекфильм».)
20.35 «БУ ОҚШОМДА».
22.35 «КИНОКУЗГУДА—ҲАЁТ». Киноқўрсатув.
● МТ — ОРБИТА-4
6.00 «ТОНГ».
8.30 «ВАХТАЧИЛАР». Телевизион ҳужжатли фильм (Красноярск).
8.50 И. Бочкова чалади (скрипка).
9.20 «УЙИНҚАРО КИШИЛАР». Бадий фильм. 2-фильм.
11.00 ИИБ маълумотларига кўра...
11.15 «Ишчан чопар».

11.30 ТСН.
11.45 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Ярим финал. Канададан кўрсатилади.
13.45 «Телемикст».
14.30 ТСН.
14.45 «ИВАН ПАВЛОВ. ҲАҚИ-ҚАТ ИЗЛАБ». Беш серияли телевизион бадий фильм. 4-серия — «ЖАНОБ ФАКТ».
15.50 Қозоғистоннинг мусиқий фольклори.
16.30 «ШАҲАР ДАРОМАДИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Петропавловск-Камчатский).
17.00 «13-шайтон боласи». Мультфильм.
17.10 «...16 ЕШГАЧА ВА УН-ДАН КАТТАЛАР».
17.55 «Ен дафтар».
18.00 ТСН.

18.15 ИИБ маълумотларига кўра...
18.30 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Ярим финал. Канададан кўрсатилади.
20.30 Информацион программа.
21.10 «ЯНГРА, ГАРМОНЫ!». 22.45 ТСН. Халқаро воқеага бағишланган сон.
23.05 «МАНСАБ ИБТИДОСИ».
23.20 Қадимий Псков ҳақида кўрсатув.
00.35 «ЧАРДАШ МОНТИ». Телевизион бадий фильм (Братислава «Колиба» студияси ҳамда «Союзтелефильм».)
02.00 «ЭФИРДА МУСИҚА». Сайланмалар.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Жума, 13

● УЗТВ I

- 8.00 «АХБОРОТ».
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
- 8.35 «ОРИҚ ОТАЖОНОВ КУЙЛАЙДИ». Фильм-концерт.
- 9.00 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 3-қисм (такрор.).
- 10.10 «КУРГАЛЖИНО». Телефильм.
- 10.30 ЗООЛОГИЯ. Ҳашоратларнинг кўпайиши ва ривожланиши.
- 11.00 «ЭЛГА ХИЗМАТ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ». Андижон вилоятдан кўрсатуви.
- 11.30 ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ.

* * *

- 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
- 18.10 «Асалари». Мультфильм.
- 18.15 «ЧАМАН» болалар фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
- 19.00 «ЗАМИН САХОВАТИ».
- 19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
- 19.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
- 20.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига, Ширининг «САБЪАИ САЙЕР» асари ҳақида.
- 21.00 «АХБОРОТ».
- 21.25 «ДЕЛ ҚАЛБИ НАВОЛАРИ». Мусикий кўрсатуви.
- 22.25 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 5-қисм.

23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- «ТОШКЕНТ»
- СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 19.05 «Уолт Дисней таништирадими...». Мультфильмлар тўплами.
- 20.00 «ПУЛЬС». Хабарлар.
- 20.10 «ДУНЕ БОЛАЛАРИ». Тошкент ва Америка мактаб ўқувчиларининг ҳамкорлигидаги спектакли.
- 21.40 «ЎЗБЕКИСТОН МУСАВВИРЛАРИ — НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИГА».
- 21.50 «КИНОНИГОҲ».

● МТ — ОРБИТА-4

- 6.00 «ТОҒ».
- 8.30 «БИЗ — БЕЛУДЖАДАНМИЗ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Аср бошида Эрондан Туркменистон

- хўдудига кўчиб ўтган кўчманчилар ҳақида (Ашхобод).
- 8.50 «Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
- 9.05 «...16 ЕШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР».
- 9.50 «ЭСКИ ТАНИШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ХРОНИКАСИ». Телевизион ҳужжатли фильм. «Йиля». 1 ва 2-фильмлар.
- 11.30 ТСН.
- 11.45 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Ярим финал. Канададан кўрсатилади.
- * * *
- 14.30 ТСН.
- 14.45 «ИВАН ПАВЛОВ. ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ». Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия — «ЕССЕ НОМО (ИНСОН)».
- 15.50 Л. Бернштейн. Дивертисмент. Бавария радиоси сим-

- фоник оркестри ижро этади.
- 16.15 «ВА ЯНА «ПАЛЛАДА»ДА ЯПОНИЯГА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток).
- 16.45 Биржа янгиликлари.
- 17.15 «Ён дафтар».
- 17.20 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Ярим финал. Канададан кўрсатилади. Танаффуслар пайтида (18.00) — ТСН.
- 19.35 «ВИД» таништирадими: «Мўъжизалар майдони».
- 20.30 Информацион программа.
- 21.10 «ВИД» таништирадими.
- 00.15 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
- 00.30 «РАҚСЛАР, РАҚСЛАР, РАҚСЛАР».
- 01.00 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Ярим финал. Канададан кўрсатилади.

Шанба, 14

● УЗТВ I

- 8.00 «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ».
- * * *
- 9.00 «МЕН СИЗНИ СЕВАДИМ». Бадий фильм (М. Горький номли киностудия).
- 10.25 «ОНАЛАР МАКТАБИ».
- 10.55 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 4-қисм (такрор.).
- 12.05 АРАБ ТИЛИ. 13-машғул.
- 12.35 ХАЛҚ ИЖОДИЕТИ. Тўй маросимларида ижро этиладиган кўшиқ ва лапарлар. 3-кўрсатуви.
- 14.25 «ДУСТЛИК» студияси кўрсатади. «ЯГОНА ОИЛАДА».
- 15.25 Раъно Бекжонова ва Комил Раҳимовлар концерти.
- 16.15 «ИСТИҚБОЛ ЯУЛИДА». Жиззах вилояти чўлқувларини ҳақида.
- 16.30 ГосНИТИ заводи ишчиларининг иш тажрибасидан.
- * * *
- 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» — «АРАРАТ» (Ереван). «ПАХТАКОР» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффуслар пайтида — «ХАЙ-КАЛТАРОШ». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision» премьераси).
- 18.50 Усмирлар учун. «ТЕНГДОШЛАР».
- 19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
- 19.50 «ОЛАМГА САЕХАТ». Кинокўрсатуви.
- 20.35 «ОЛТИН ВОДИЙ КУЙЧИСИ». Фильм-концерт («Ўзбектеlevision»).
- 21.00 «ҲАФТАНОМА».
- 22.00 Алишер Навоийнинг «САБЪАИ САЙЕР» асари асосида Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси «Тановар» рақс дастаси театрлаштирган мусикий лавҳалар.
- 22.50 «АРСЛОНБОБ». Манзарали фильм.
- 23.00 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 6-қисм.
- 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- Ўзбекистон телевидениесининг «ДУСТЛИК» видеоканалли
- 9.00 «БЕЗНЕН МИРАС» (татар тилида).
- 10.00 «УРҒУТ ЖИЛОЛАРИ». Ҳужжатли фильм.

- 10.15 «РАНГИНКАМОН» (тожик тилида).
- 11.15 «ХОРАЗМ АФСОНАСИ». Бадий фильм. 1-серия («Ўзбекфильм»).
- * * *
- «ТОШКЕНТ»
- СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» — «АРАРАТ» (Ереван). «ПАХТАКОР» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм (рус тилида).
- 18.50 Телефильм.

* * *

- АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
- 19.20 Классик куй шинавандаларига.
- 19.55 «Туркменистон».
- 20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун!
- 20.30 Москва. Информацион программа.
- 21.10 «Туркменистон».
- 21.30 «1991 йил ҳосили». Сизга омад, пахтакорлар!
- 21.40 Сатир ва юмор.
- 22.10 «Говеч». Адабий кўрсатуви.

● МТ — ОРБИТА-4

- 6.00 Молдова Давлат «ЖОК» рақс ансамблининг концерти.
- 6.35 «Ляхтак ва булут». Мультфильм.

- 7.30 Ритмик гимнастика.
- 8.00 ТСН.
- 8.15 СССР Давлат камер оркестри ҳамда М. Свешников номли Москва Давлат хор билан юрти болалар хорининг концерти. Дирижёр — В. Третьяков.
- 8.55 «БУРДА МОДЕН» таклиф этади...».
- 9.25 ТОНГИ ДАМ ОЛИШ КЎРСАТУВИ.
- 9.55 «ЗДОРОВЬЕ».
- 10.25 «ХАЙВОНОТ ОЛАМИДА».
- 11.10 «ОЛТИН ЖУНЛИ ҚҲЯ ТЕРИСИ».
- 11.30 «ШОИР ҚИЗИ».
- 12.00 Н. Гнатюк куйлайди.
- 12.45 «ШЕРИК».
- 13.15 Режиссёр М. Захаров фильмлари. «СВИФТ ҚҲР-ГАН УЙ». 1-серия («Союзтелефильм»).
- 14.30 ТСН.
- 14.45 Режиссёр М. Захаров фильмлари. «СВИФТ ҚҲР-ГАН УЙ». 2-серия.
- 15.50 «Ер — она масканимиз». Телевизион фототанлов.
- 15.55 «БОНГ».
- 17.10 С. Рахманинов. «ҚОЯ». Симфоник фантазия. СССР Маданият вазирлигининг Давлат симфоник оркестри

- ижро этади. Дирижёр — Г. Рождественский.
- 17.25 «МАНГУ МУҲАББАТГА САЗОВОР МАМЛАКАТ». МОСКВА КРЕМЛИ. 2-фильм.
- 18.05 «Майя арисси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 12-серия.
- 18.30 «ВАРЛАМ ШАЛАМОВ. БИР НЕЧА УМРИМ». Телевизион ҳужжатли фильм.
- 19.20 Халқ оҳанглари.
- 19.30 «КАРИБ СИРИ». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Буюк Британия).
- 20.30 Информацион программа.
- 21.10 «КАРИБ СИРИ». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
- 22.10 «СЕМЬЯ» ҳафтаномасининг хит парадиди.
- 23.25 ФУТБОЛ СССР чемпионати. «СПАРТАК» (Москва) — «ДИНАМО» (Москва). 2-тайм.
- 00.15 «МАСХАРАБОЗ». Телевизион бадий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси).
- 01.25 «УША ПАЙЛАРДА ДЕРАЗАЛАР УЙИБ ИШЛАНГАНДИ...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Енисейскилик мусавир Н. Дорогов ҳақида (Красноярск).

Якшанба, 15

УРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

● УЗТВ I

- 8.00 «ҲАФТАНОМА» (такрор.).
- * * *
- 9.00 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 5-қисм (такрор.).
- 10.00 «Саломат бўлинг!».
- 10.40 «ЎЗБЕКИСТОН УРМОНЛАРИ».
- 11.10 «КИТОБ ВА ҲАЁТ».
- 11.40 «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН». Отақий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
- 13.50 «БИЗГА МАКТУБ ЯУЛЛАБСИЗ».
- 14.20 «ДЕҲҚОН ВА ЗАМИН».
- 14.30 «КИНО УСТАЛАРИ». Толипов.

- 18.00 «Қураш». Мультфильм.
- 18.15 Болалар учун. «КИЧКИНТОЙ» кўрсатуви.
- 18.45 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «ТАЛАБАЛИК ЯЙЛАРИ».
- 19.30 «АХБОРОТ» (рус тилида).
- 19.45 «ҲАМ КУЛДИРАДИ, ҲАМ КУЙДИРАДИ...». «Наштар» ҳажвий киножурналининг 25 йиллигига бағишланади.
- 20.40 «Йўқолган виждон». Катталар учун мультфильм.
- 21.00 «АХБОРОТ».
- 21.25 «ЯКШАНБА ОҚШОМИДА». Мусикий кўрсатуви.
- 22.15 Ойбек. «НАВОИЙ». Видефильм. 7-қисм.
- 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

- Ўзбекистон телевидениесининг «ДУСТЛИК» видеоканалли

- 9.00 «БИЗ МАКАРЖАГА БОРАМИЗ». К. Тинчурун номли татар Давлат драма ва комедия театрининг спектакли.
- 10.50 «АС ГАЛА—БУЙДОК ДЕГАНИ». Телефильм.
- 11.15 «ИНТЕРСПОРТ».
- 11.55 «ХОРАЗМ АФСОНАСИ». Бадий фильм. 2-серия.

* * *

- ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
- 17.30 Мультфильмлар: «Ғаройиб манеж», «Ғаройиб бочка».
- 17.45 «Лабиринт». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатуви.
- 18.25 «Хусни замин». Ҳужжатли фильм премьераси.
- 18.45 «Розу ниёзи мардум».
- 19.15 «Пайванд». «Ширинжон» ансамблининг чиқиши (Тошкент шаҳри).
- 20.00 «Ҳафта».
- 20.30 Москва. Информацион программа.

- 21.10 Ф. Ансорий. «Ҳаёт ва ишқ». Телеспектакль.
- 23.10 «Телетомошабин ҳамроҳи».
- МТ — ОРБИТА-4
- 7.30 Ритмик гимнастика.
- 8.00 ТСН.
- 8.20 «Спортлото» тиражи.
- 8.35 «СИЗ ЯРАТГАН БОҒ».
- 8.50 «ЭРТА САҲАРЛАБ».
- 9.35 «ВАТАН ХИЗМАТИДА».
- 10.35 «ТОҒ ЮЛДУЗИ».
- 11.35 «САЕХАТЧИЛАР КЛУБИ».
- 12.35 «ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ».
- 13.35 «Марафон -15».
- 14.35 ТСН.
- 14.50 ХОККЕЙ. Канада кубоги. Финал. Канададан кўрсатилади.
- 16.50 «ХАЛҚАРО ПАНОРАМА».
- 17.35 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Мексика эртаги.
- 17.40 «УОЛТ ДИСНЕЙ ТАНИШТИРАДИ...».

- Якшанба кинозали
- 18.30 «ҚҲЯ ЯЙЛИ». Ҳужжатли фильм премьераси.
- 19.05 МТ экранда биринчи марта. «ИККИНЧИ УРИНИШ». Бадий фильм (АҚШ).
- 20.30 Информацион программа.
- 21.10 «БРЭЙН РИНГ». Усмирлар турнири. Киев ва Одесса командаларининг учрашуви.
- 21.45 Бир актёр театри. Е. Шифрин. «МЕН ШОСТАКОВИЧ АСАРЛАРИНИ КУЙЛАЙМАН».
- 23.15 ВОЛЕЙБОЛ. Европа чемпионати. Эрикалар. Финал. Германиядан кўрсатилади.
- 00.15 «МАСХАРАБОЗ». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
- 01.35 Сизлар учун Ю. Гуров раҳбарлигидаги халқ чоллар камери оркестри чалади

РЕСПУБЛИКА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон республикасининг Адлия вазирлигида жамоат ташкилотлари ҳамда

сиёсий партияларга рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг, В. И. Ленин номли Ўзбекистон республика пионер ташкилотининг, «ЭРК» демократик партиясининг, Абдулла Қодирий номли жамғарманинг, Ўзбекистон респуб-

ликаси Қизил ярим ой жамиятининг, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг, баъзи қасаба уюшмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг

низономалари расмий тарзда тасдиқланди. Гувоҳномаларни Ўзбекистон республикасининг Адлия вазири М. М. Маликов топширди.

(ЎЗТАГ).

• «ОБУНА - 92» •

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРОН РЎЗНОМАҒИЗГА ЁЗ ИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ганиматлигида ўз рўзномаиғиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шўшилинг!



• Ҳажвий тўртликлар •

ТАШМАЧИГА

Сен ўтарсан кўзи бежо, дилда ҳадик,
Атрофингда турганлар кўп ҳайрон бўлиб
Айтдиларки: «Бу қандайин махлуқ ўзи,
Не чун яралмабдур экан сичқон бўлиб?!»

ПОРАХЎРГА

Олдинг! Олдирмадинг бир фотиҳ мисол,
Пулинг ҳисобига қолдинг етолмай.
Мол-дунё бандаси, доғдасан алҳол,
Лоқақал бир қақа олиб кетолмай!

ЮЛҒИЧГА

Индамай кетсам гар тиржайиб қўясан,
«Аҳмоқ қилдим» — дея сен мендан кулгандек.
Қайтимин сўрасам, қовоғинг уясан,
Гўё сен менданмас, мен сендан юлгандек.

ҒИЙБАТЧИГА

Сенга ошналикдан сақласин буткул,
Ўлгач ҳам қабриниғиз бўлмасин қўшни.
Бутун мизоротини тик турғизасан,
Бичиб ўшанда ҳам турли «миш-миш»ни.

ЛАГАНБАРДОРГА

Яхши ҳам сен борсан, эй, лаганбардор,
Қанча жирканч бўлма, боринга шукур.
Нодондан оқиллар ибрат олгандек
Сен туфайли донм эъзозда гурур.

Дилмурод САИДОВ.

«СТИЛЬ» ЎРНИГА «НИЛУФАР»

ТОШКЕНТ мебель фабрикасида ишлаб чиқарила бошланган янги мебель термасига «Нилуфар» номи берилди. Ихчам кўринишга эга бу қулай, юмшоқ уй жиҳози шу даврга қадар чиқариб келинган аяча йирик ва қиммат «Стиль» гарнитурини ўрнига ўзлаштирилди. Шу жиҳатдан у бирмунча торроқ хонадонларга, айниқса, ёш келин-куёвларга ҳар томонлама қулайдир.

Янги мебельларнинг илк намуналари савдо тармоқларига жўнатилди.

Ш. РУСТАМОВ.

ОХАНГАРОН, Пискент, Паркент сингари тоғли ноҳиялардаги кишлоқларда истиқомат қилаётган одамлар орасида табиий набототларнинг билимдонлари кўплаб топилади. Улар билан гаплашган киши ёввойи ўсимликлар ҳақида нодир маълумотлар олади. Маҳкам ака Кушатов ана шундай ажойиб инсонларнинг биридир. Олтишдан ошган бу отахоннинг бутун ҳаёти бўстонлик тоғлари кучоғида ўтган.

— Рўзномангизда табиатнинг ўзини табиб деб жуда тўғри таърифлагансизлар, — деди М. Кушатов, — дарҳақиқат, шундай. Мен бутун сизга бир-иккита табиий набототлар ҳақида гапириб берай... — Марҳамат. Айни мuddао бўлади.

— АВВАЛО, исирик ҳақида. Унинг номини кўпчилик эшитган. Танийдиганлар ҳам анчагина. Исирик кўп йиллик ўсимлик бўлиб, қурғоқ, шўрхок ерларда, дашт жойларда, тепаликларда ўсади. Май-сентябрь ойларида гуллаб, уруғлайди.

Шарқ халқлари қадим-қадимлардан буюн исирикдан шифобахш гиёҳ сифатида фойдаланиб келадилар. Улар бу ўсимликнинг ер устки қисми қайнатмасини турли хил бод касалликларини, тери хасталикларини даволашда ишлатганлар. Бунинг учун исирик

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

поysi ва донидан маълум микдор олиниб, ванна қилинади.

Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ас-Сайдана фит-Тиб» деган табобатга доир асари бор. Бу китобда аллома исирик ҳақида гап юритиб, бу набототнинг сут-ширасига 10 кун давомида пахта ёки бошқа мато шимдирилиб, қичмага йўлиққан беморларга суртилса, уларнинг жони таскин топиши ҳақида маълумот беради.

Абу Али ибн Сино ҳам исирикка катта аҳамият берган.

Унинг ёзишича, қўймиш асаблари шомоллаганда, тизза ва суяклар қақшаб оғриганда азоб қолдирувчи омил сифатида исирик ишлатилади. У бу гиёҳни кучли пешоб ҳайдовчи восита ўрнида ҳам тавсия этади.

Булардан ташқари, исирик ва

ИСМАЛОК



лапарда, экинлар орасида учратиш мумкин. У ҳам сентябрь ойининг бошларида пишди. Бу ўсимликнинг барглари ҳам, уруғи ҳам, илдизи ҳам шифобахш ҳисобланади. Унинг таркибида турли хил — С, В₁, В₂, К, Е витаминлари мавжуд. Шунингдек, темир, йод, фосфор, калий, кальций, мағний каби моддаларга бой. Унинг барглари қайнатмасидан халқ табobatiда камқонлик, томоқ, ўтқа ва асаб касалликларини даволашда фойдаланилади. Исмалок ҳам ел ва пешобни яхши ҳайдайди.

Абу Али ибн Синонинг айтишича, исмалок барги қайнатмаси киши йўталга, қабзиятга, томоқ шомоллашига йўлиққан пайтда катта наф келтиради. Исмалок баргидан навилиб тайёрланган малҳам оғриқ қолдирувчи даводир.

Муштарийларга шундай тавсиянома бериш мумкин: исмалокдан қайнатма тайёрлаш учун 1 ош қошиқ микдорида унинг мурғак ўти ёки барг уқаланмаси олинади. 200 грамм сувда 10 минут давомида қайнатилади. 1 соат тиндириб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, совитилади. Шарбат кунига ярим пиладан уч маҳал истеъмол этилади.

— Раҳмат, тавсияларингиздан муштарийлар мамнун бўлишади, деб ўйлаймиз...

Сўхбатдош Р. УМАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

• РАССОМ ХАНДАСИ •



ҚИЗ: — Аммажон, тўйин тезроқ бошлай қолинглар, унинг машинаси бор экан-ку!



ҚАЙЛИК: — Кечирасиз, мен ахир охишта босдим-ку...

Расмларни Шавкат МУЗАФФАР ўғли чизган.